

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ  
ИСТИҚБОЛИ**

"2010 йил – Баркамол авлод йили" муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент – 2010

**78.342(5Ў)**

**Б 30**

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	Л. Нарзиев
Муҳаррир	Ж. Қўнишев
Масъул муҳаррир	Ҳ. Маматраимова

Баркамол авлод - юрт истиқболи: "2010 йил – Баркамол авлод йили" муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлланма / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Л. Нарзиев; Муҳаррир Ж. Қўнишев; Масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова. - Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. - 32 б.

*КБК 78.342 (5Ў) + 66.3(5Ў) + 66.75 (5Ў)*

2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши кенг имкониятлар эшигини очиши билан бирга, илм масканларида ўқиётган ёшлар ва таълим-тарбия бераётган мутахассислар олдига муҳим вазифаларни қўйди. Жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, моддий ва маънавий бойлигимизни эъзозлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

"Баркамол авлод йили"га бағишлаб тайёрланган ушбу қўлланмада ёшлар, уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда ахборот-кутубхона муассасаларида ушбу йилга бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар туркуми ва уларни ўтказиш бўйича методик маслаҳатлар берилган.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2010 й.

## СЎЗБОШИ

*Фарзандларимиз биздан кўра кучли,  
билимли, доно ва албатта, бахтли  
бўлишлари шарт!*

*И. А. Каримов*

Истиқлол даврида ҳар бир келаётган йилимизни янги маъно ва мазмун бағишловчи ном билан аташ ажойиб анъанага айланиб қолди. Бу эса муҳтарам Юртбошимизнинг мамлакат фуқаролари ҳамда бутун жамият манфаатини кўзлаб, уларни эзгу режаларга сафарбар этиш, пировардида моддий ва маънавий тўқисликка эришиш йўлидаги доимий жонқуярлигининг яққол ифодасидир.

Мамлакатимиз Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2010 йил "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Юртбошимиз тантанали маросимда қилган маърузасида: "...Авалло, биз яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интильмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз", — деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан ёшлар, ўсмирлар тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мантиқан бир-бирига ҳамоҳанг бўлган "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ёшлар йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам баркамол авлод тарбияси, уларнинг манфаатларини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этди.

2010 йилда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, умуман, баркамол авлодга гамхўрлик борасида янада салмоқли юмушларни амалга ошириш

кўзда тутилмоқда. Албатта, бу эътибор ва ғамхўрлик дилбандларимиз – келажакимиз эгаларига бўлган юксак эътибордан далолатдир.

Бугунги кунда ёшлар маънавиятини юксалтириш, онгу шуурида руҳий поклик, маънавий уйғоқлик туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини доимий, самарали ва таъсирчан тарзда илғор педагогик методларни қўллаб олиб бориш давр тақозосидир. Бу борада юртимиз таълим масканларида "Маънавият асослари" фани ўқитилмоқда. Шунингдек, турли кўрик-танловлар, анжуманлар, ёзувчи ва шоирлар, ижодкор зиёлилар иштирокида мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Баркамол авлод тарбиясида, уларнинг ҳар томонлама шаклланишида ахборот-кутубхона муассасаларига ҳам масъулиятли вазифалар юкланган. Бундай вазифаларни амалга ошириш учун китобхон ёшларнинг маънавий камол топиши, ўқиши, изланиши ва тафаккурини янада бойитишига қулай имкониятлар яратилган.

Ахборот-кутубхона муассасаларида юқорида айтиб ўтилган мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда Давлат дастурини амалга ошириш бўйича бажарилаётган ишлар, ҳукуратимизнинг қарор, қонун ҳамда фармонларининг бажарилиши, ёшларга берилаётган имкониятлар, имтиёзлар, уларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари, буюк сиймолар ва алломаларнинг маънавий мероси тўғрисидаги адабиётларнинг китобхонлар ўртасида тарғиботини янада кучайтириш лозим. Бу ишда мутахассислар турли хил шакл ва усуллардан фойдаланишлари мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**ҚАРОРИ**

**"БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ"**  
**ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилингани муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

- болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- "Соғлом она - соғлом бола" дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслаҳат ишларини кўпайтириш;

- тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

- таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория

базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимини янада ривожлантириш;

- замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

- ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

- иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш;

- илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- ёш оилаларга гамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 декабрдаги 3329-фармойишига биноан тузилган Республика комиссиясига "Баркамол авлод йили" Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш. М. Мирзиёев):

- икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик, идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича ҳудудлар ҳамда тармоқларга оид "Баркамол авлод йили" дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

- мазкур Дастурнинг бўлимлари ва бандларини давлат ҳамда хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштирсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳар чорак якуни бўйича "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари раҳбарлигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари:

- аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тушунтириш;

- Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида мунтазам ахборот бериб бориш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотларнинг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича қўшган амалий ҳиссасини ёритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И. А. Каримов**

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 27 январь

## **Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори**

Жамият – ҳар қандай эврилишлар, ўзгаришлар, ўсиш ва ўзгаришлар жараёнида ҳам янги авлод ривожини, камолотини йўлида ҳаракатдан чекинмайди. Шарқ таълимоти манбаларида, тарих зарварақларида ҳам бунинг исботини кўриш мумкин. Аждодларимизнинг мозийга муҳрланган фаолият сарҳадларида бунга аниқ далиллар бисёр. Соҳибқирон Темур бобомизни, Навоий, Бобур ҳазратларини олайлик. Уларнинг камолоти учун даврнинг шиддатли бўҳронлари ҳам тўсиқ бўла олмаган. 5 ёшли Алишернинг бийрон шеър мутолаа қилишлари, Бобур Мирзонинг ўтли газаллари, дунёни лол қолдирган адолатпеша Темурнинг 7 ёшлигиданоқ жанг сирларини ўрганиши, овчилик, мерганлик усулларини эгаллаб олиши ҳақида жуда кўп манбаларда ҳикоя қилинади. Биз ана шундай фикри теран, иқтидори бутун, зукко ва донишманд аждодларнинг ворисларимиз. Инчунун, уларнинг тарихда қолдирган излари асрлар оша сайқалланиб, биз учун ибрат мактаби бўлиб яшайверади.

Жисмонан соғлом, билимли, маънавий баркамол, етук инсонни тарбиялаш мавзуси шарқ алломалари томонидан чуқур ўрганилган. Чунончи, Арасту, ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро каби улуғ алломаларнинг асарлари ва назарий таълимотларида ҳам ёш вужудни камол топтириш, тарбиялашга катта аҳамият қаратилганлиги бежиз эмас.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш муҳим ва устувор вазифага айланди. Ривожланаётган жамиятимизнинг ўз олдига қўйган олижаноб мақсади – келажакда буюк давлатни барпо этиш вазифаси шуни тақозо этади.

Баркамол авлод – кўнглида, қалб-қўрида ишонч ва ифтихор туйғулар мавжланиб турган авлоддир. У нафақат ҳақ-ҳуқуқини, балки фуқаролик бурчини ҳам чуқур англайди. Худди шу англаш, ҳис қилиш, қайси илм даргоҳида таълим олмасин, қай бир соҳада меҳнат қилмасин, улуғ юртнинг анъаналарига муносиб бўлишга ундайди.

Ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай миллат ўз фарзандларининг баркамол бўлишини орзу қилади. Аслида, баркамоллик – жуда кенг тушунча. Тилимизнинг изоҳли луғатида баркамоллик қўйидагича таърифланади: жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолот, вояга етиш, бекаму кўст мукамаллик ҳолати ва ҳоказо. Дарҳақиқат, биз ҳар қандай одамга унинг нечоғли камолотга эришганига қараб баҳо

берамиз. Жумладан, баркамол шахс, баркамол ижод деймиз. Ғоят етукликни эса табиат баркамоллигига қиёслаймиз.

Балоғат ва камолотнинг турли-туман қирралари бор. Албатта, бу қирраларнинг жилолари бир-биридан асло кам эмас. Лекин фарзанд жисмоний жиҳатдан етукликка эришса-ю, маънавий томондан тўкис шакланмаса, уни ҳали мутлақ мукамал деб бўлмайди.

Муҳтарам Юртбошимиз: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, ақли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт", — деб таъкидлайди. Ушбу эзгу ниятда баркамол авлоднинг порлоқ қиёфаси мужассамдир. Дарҳақиқат, давлатимизнинг бош сиёсати ҳам келажак авлоднинг истиқболини таъминлашга, зарур шарт-шароит яратишга, уларни етук инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган. Юзлаб коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлиари, кўплаб спорт иншоотлари, компьютер ва Интернет каби замонавий техника воситалари ёшларимиз ихтиёридадир. Бугун фарзандларимиз тил ўрганиб, чет элларда таълим олишяпти. Буларнинг бари таҳсинга сазовордир.

Баркамоллик, энг аввало, ахлоқий тушунча. Ахлоқ эса инсон боласининг илоҳий рутбаси ҳисобланади. Ахир, Ҳазрат Навоий беш юз йиллар муқаддам бежиз айтмаганлар:

*Одами эрсанг, демагил одами -  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.*

Баркамол авлод орзуси — энг буюк орзу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орзуси бу. Барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мустақиллик йилларида эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Узлуксиз таълимнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ва бугун ўз самарасини бераётган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида ёшларимизда нафақат юксак интеллектуал салоҳият, мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантиришга, балки уларни жисмонан чиниқтиришга, оммавий спортни ривожлантиришга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Табийки, бугунги авлод олдига давр янги вазифаларни қўймоқда. Агар кечаги бобокалонларимиз ўз етуклигини, юксак инсоний сифатларини Ватан озодлиги, халқ эркинлиги учун беомон курашларда кўрсатган бўлсалар, ҳозирги авлод ўз етуклигини Ватаннинг порлоқ ва буюк келажагини бунёд этишда намоён этмоғи талаб қилинмоқда.

Ёшларимиз халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилиб турган юксак маънавий сифатларни изчил давом эттириб, бу ноёбликларни янада бойитишлари, ривожлантиришлари ва дунёга кўрсата олишлари лозим.

Маълумки, янги авлодимизнинг баркамоллигида жисмоний етуклик ҳал қилувчи жиҳатлардан биридир. Бу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда истиқлол даврида бу борада ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Бу тадбирлар орасида "Соғлом она – соғлом бола" гоясини ўзида мужассам этган давлат дастури ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу дастур асосида пойтахтимизда ва жойларда кўплаб замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари барпо этилди.

Мамлакатда болалар спортини ривожлантириш, умуман, спортни оммалаштириш, жумладан, ўқувчи-талаба ёшлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган уч босқичли – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари катта натижалар бермоқда. Ватанимиз спортининг кенг ривожланиши туфайли ёшларимиз орасида довруғи республикамизда ва халқаро миқёсда кенг танилган ёрқин салоҳиятли спортчилар етишиб чиқмоқда ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораверади.

Бундан ташқари, ҳар йили кўплаб иқтидорли ёшларимиз адабиёт, санъат, маданият, таълим ва фан йўналишларида Зулфияхоним номидаги давлат мукофоти лауреатлари, "Келажак овози" ғолиблари бўлишмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган мазкур танловнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сонидан ҳам билса бўлади.

"Келажак овози" ёшлар танлови – ўз номи билан келажакнинг ёруғ манзилларига интилаётган иқтидорли ёшларни кашф эта бошлади. Нигоҳларимиз мазкур танловнинг мазмун ва моҳиятига қаратилди. Буни қарангки, бугуннинг ёшлари қалбида ўз яратувчанлик ишлари намуналарига ишонч бисёр.

Истиқлол йилларида ёшларнинг таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди, шу мақсадда Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, Ўзбекистонда таълим-тарбия ишини энг юқори халқаро андозаларда ташкил этишга киришилди. Ўтган йиллар давомида юртимизда узлуксиз таълимнинг 12 йиллик тизими жорий этилди. Пойтахтимизда ҳамда жойларда муҳташам мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар бунёд этилиб, улар илғор халқаро андозаларда ўқув-лаборатория жиҳозлари, тамомила янги мазмун-моҳиятли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланди. Таълим тизимида янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда. Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбияси соҳасида эришилган ютуқларга дунёдаги кўплаб халқлар бугун ҳавас билан қарамоқдалар.

Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар биз ҳар қанча гурулансак арзийдиган ёрқин самараларни бермоқда. Ўзбекистон ўқувчи ёшлари бугунги кунда халқаро фан олимпиадаларида, қизгин спорт баҳсларида фаол иштирок этиб, ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар.

2009-2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янги муассасаларни қуриш бўйича давлат дастури қабул қилинганлигини алоҳида мамнуният билан тилга олишимиз керак. Дастурга биноан, энг олис туманларда ҳам махсус болалар мусиқа ва санъат мактаблари ташкил этилмоқда. Узоқни кўзловчи ушбу ҳужжатнинг аҳамияти бебаҳодир. Аввало, мусиқа ва санъат мактаблари жойлардаги ёш иқтидор эгаларини топиш ва уларни тарбиялашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига замин яратиш мақсадида кўпдан-кўп ишлар қилинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биргина 2009 йилда 1957 та мактаб қурилганлиги ва реконструкция қилинганлиги, қишлоқларда 214 та академик лицей ва 170 та касб-хунар коллежи барпо этилганлиги, бу йил давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантиришга йўналтирилаётганининг ўзи кўп нарсани англатади. Зеро, ёшлик инсоннинг ўқиш ва изланиш даври ҳисобланади. Бу фаслда ёшлар ўз салоҳиятини тўла намоён этишида уларга яратилган шароит муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш ҳамда уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳам роли каттадир. Мустақиллик йилларида кутубхоначилик соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Кутубхоналарга замонавий компьютер технологиялари кириб кела бошлади, улар Интернет ва Ziyonet тармоқларига уланди. Фойдаланувчиларга электрон каталог орқали хизмат кўрсатила бошланди. Адабиётларнинг электрон ресурслари яратила бошланди. Президентимизнинг 2006 йилдаги "Республика аҳолисини ахборот-

кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қароридан кейин ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Электрон кутубхона ташкил этишнинг дастлабки босқичларида ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ахборот-кутубхона муассасаларида адабиётлар кўргазмалари, китоб тақдимотлари, давра суҳбатлари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, семинар ва конференциялар, кечалар, беллашувлар мунтазам ўтказиб келинади. Шу билан биргаликда, ҳар йили ўтказилиб бориладиган "Энг яхши АКМ ва АРМ мутахассиси", "Энг яхши ахборот-ресурс маркази", "Энг яхши китобхон", "Йилнинг китобхон оиласи" кўрик-танловлари, мутолаа байрами сингари тадбирлар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳамда ёшларнинг янада кучли, билимли, доно бўлишларига ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг 9-бандида 2010 – 2015 йилларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, РАКМ, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан биргаликда барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхонани босқичма-босқич шакллантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Бунинг натижасида анъанавий кутубхона хизматидан замонавий кутубхона хизмати кўрсатиш тизимига ўтилади ҳамда жаҳондаги барча ресурслардан тўлақонли фойдаланиш имконияти туғилади, шунингдек, ёшларнинг тезда ахборот олиш имкониятлари кенгайди.

Президентимиз раҳнамолигида жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳаларида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш замирида, авваламбор, инсон манфаатлари, унинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, касб маҳоратини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш вазифалари мужассам. Бу борада баркамол авлодни тарбиялаш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, бугун мамлакатимизда олиб бориладиган бунёдкорлик, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ислохотлар, маънавий-маърифий тизимдаги янгилинишларнинг замирида ҳаётимизнинг асл мазмуни – фарзандларимизнинг баркамол турмуш тарзини яратишдек мақсад мужассам. Фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ  
"БАРКАМОЛ АВЛОД" ҲАҚИДАГИ  
ФИКРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

\*\*\*

Ҳаммамизга бир теран ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

\*\*\*

Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

\*\*\*

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодларимиз. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажagini ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустақкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

\*\*\*

Менинг энг катта ишончим ва умидим — бугун замонавий тарбия ва билим олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.

\*\*\*

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, қурашмоғимиз зарур.

\*\*\*

Биз, ҳақиқатан ҳам, ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аجدодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим.

\*\*\*

Бугун қилаётган яхши ишларимиз келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор.

## ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, хушахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган, хиёнат, макр ва ҳийладан узоқ бўлсин.

*Абу Наср Форобий*

Имкон борича болага яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи у ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин.

*Воиз ал-Кошифий*

Болаларни баркамол қилиб вояга етказиш учун унинг тарбиясига оилагина жавобгар бўлмасдан, бутун жамият аъзолари жавобгардирлар, чунки ёшлар ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбияланса, жамиятнинг келгуси тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлади.

*Абдурауф Фитрат*

Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак — танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан асраб ўсдурмакдур.

*Абдулла Авлоний*

Одамнинг кимлиги бўйи билан белгиланмаганидек, халқнинг улуглиги ҳам сони билан ўлчанмайди. Ягона мезон – унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир.

*Виктор Гюго*

Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, тўлақонли баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.

*Робиндранат Тагор*

Бегубор ёшлик йилларидан камолотнинг вазмин йўлларига отланар экансиз, инсонга хос жамики эзгу хислатларни ўзингиз билан бирга олинг, йўлда қолдирманг!

*Николай Гоголь*

### **"Баркамол авлод йили"да ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар методикаси**

#### **"Порлоқ келажак ворислари" мавзуида тематик-бадий кечанинг намунавий сценарийси**

Ушбу тадбир "Баркамол авлод йили"га бағишланган бўлиб, уни АКМ (АРМ)ларда ўтказиш мумкин. Тадбир сценарийси намунавий бўлиб, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин. Тадбирни АКМ (АРМ) раҳбари кириш сўзи билан очади ва тадбир дастури билан, шунингдек, сўзга чиқувчиларни таништиради. Кейин навбатни олиб борувчиларга беради. (Тадбирда адабиётлар кўргазмаси ташкил қилиш ва обзор ўтказиш мақсадга мувофиқ. Сценарийдаги олиб борувчилар ва меҳмонлар сўзи намуна сифатида берилмоқда).

(Тадбирга ўқув юртларида ўтказилган фан олимпиада ғолибларини, спорт мусобақалари бўйича Ўзбекистон ва жаҳон чемпионларини, Республика кўрик-танловлар ғолибларини таклиф этиш мумкин).

**1-олиб борувчи:** Ассалому алайкум, азизлар!

**2-олиб борувчи:** Ассалому алайкум, илмга чанқоқ, зехни ўткир, азиз ёшлар!

**1-олиб борувчи:** Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимизда кутиб олинаётган ҳар янги йилни маълум бир ном билан аташ, халқимиз фаровонлиги ва яқдиллигини мустаҳкамлаш мақсадида йилнинг махсус Давлат дастури тузилиб, йил давомида уни изчиллик билан



**Вилоят (шаҳар, туман) ҳокими ўринбосари:** Жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган бу диёрда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга бўлган эътибор нақадар юксак эканини кўрсатади. Президентимизнинг "Фарзандларимиз, ёшларимиз нафақат ишонч ва келажагимиз, улар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", – дея эътироф этганида олам-олам маъно бор.

2010 йилги Давлат бюджети параметрларида ижтимоий соҳа устуворлигига алоҳида урғу берилиб, ушбу соҳага йўналтирилган маблағлар янада кўпайди. 2009 йилда соҳа харажатлари 55.6 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 59 фоиздан ортиқ бўлиши режалаштирилган. Бунда, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича харажатларни кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларни ошириш назарда тутилган. Шунингдек, Давлат дастурини амалга оширишга 8 триллионга яқин маблағ ажратилган. Тан олиб айтиш керак, ҳақиқатан ҳам, бундай гамхўрлик, эътибор камдан-кам давлатларда учрайди.

Мустақил давлатимиз ёшларига истагим - бугунги баркамол авлодларимиз ўз она тупроғи, аждодларимиздан мерос буюк Ватаннинг қадрига етиб, халқимизнинг ўлмас даҳолари яратган маънавий дурдоналаридан баҳраманд ҳолда камолга етсинлар.

**2-олиб борувчи:** Ташаккур. Эндиги навбат вилоят (шаҳар, туман)имизнинг хушовоз хонандаси, "Ниҳол" мукофоти совриндори \_\_\_\_\_га.

*Кўшиқ ижро этилади*

**1-олиб борувчи:** Раҳмат, ижодингизга зафарлар тилаб қоламиз. Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг оталарча гамхўрлиги остида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлоднинг униб-ўсиши учун мустаҳкам замин яратилди.

**2-олиб борувчи:** Ҳукуматимиз "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига ҳам улкан масъулият юклаши табиийдир. Ҳаракатнинг бу пайтдаги асосий вазифаси ёшларнинг интилишлари, ташаббуслари, қизиқишлари ҳамда манфаатларини ҳар йилгидан кўра янада кўпроқ ва аълороқ юзага чиқаришда, деб ўйлайман. Келинлар, энди сўз навбатини "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раисининг ўринбосари \_\_\_\_\_га берамиз.

**Раис ўринбосари:** Албатта, ёшларнинг ишончи ва таянчига айланиб бораётган, уларнинг ҳар бир ишида маслакдошу таянч бўлаётган

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят (шаҳар, туман) Кенгашларию қуйи бўғинларида ҳам айтишга лойиқ жиҳатлар бисёр. Жумладан, "Ҳар доим "Камолот" билан", "Камолот"дан туҳфа", "Ёзни "Камолот" билан" лойиҳалари ўтказилмоқда. Республика миқёсида эса бир неча йилдирки "Камолот" стипендияси ва "Камолот" таълим гранти" танловлари эълон қилинмоқда. Ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар учун "Менинг гоям", "Энг яхши инновацион фикрлаш" мавзуларида танловлар эълон қилинмоқда. Маънавий-маърифий ишлар бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу йилги режаларимиз янада ранг-баранг, қизгин ва кутилмаган қувончларга бой бўлиши табиий. Ҳаракат ва унинг бўлимлари амалга оширган лойиҳалар, танловлар, акциялар, беллашувлар, мусобақалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бугун ўз истеъдодини намоён этиб, шу манзилга келган ёшларни келгусидаги қилар юмушидан, амалга оширишни режалаштирган эзгу мақсадидан бохабар бўлиб туриш ёшларнинг ишончи ва таянчи бўлмиш "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг диққат марказидан ҳеч қачон четда бўлмайди. Барчамизнинг мақсадимиз бир, яъни ёшлар ҳаракатини уларнинг том маънодаги ишончи ва таянчига айлантира олиш.

**2-олиб борувчи:** Катта раҳмат. Сиз билан ёшларимиз ҳам яқиндан суҳбатда бўлишганидан мамнунлар. Эндиги навбат "Камалак" болалар ташкилоти аъзоларига.

*"Камалак" аъзолари иштирокида қўшиқ (шеър) ижро этилади*

**1-олиб борувчи:** Раҳмат, ижодингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз. Бугунги кечамизга Болалар спортини ривожлантириш вилоят бўлими бошлиғи ўринбосари ташриф буюрганлар. Ҳозир сўз навбатини \_\_\_\_\_га берамиз. Марҳамат.

**Бўлим бошлиғи ўринбосари:** Ёшларимизнинг ҳар томонлама мукамал ўсишида спортнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чоратadbирлар тўғрисида"ги фармойишида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки 2010 йилдаги "Баркамол авлод" спорт мусобақасининг республика босқичи Термиз шаҳрида бўлиб ўтади.

Жорий йил юртимиздаги кўплаб спорт ишқибозларининг нигоҳи Андижон шаҳрида ташкил этиладиган "Универсиада – 2010" спорт мусобақаларига қаратилади. Таъкидлаш жоизки, "кичик олимпиада" туркумига кирувчи ушбу спорт беллашувларининг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда.

Мусобақанинг асосий мақсади ёшларимизни маънавий ва

жисмоний тарбиялаш, улар ўртасида спорт турлари оммавийлигини таъминлаш ҳамда юқори малакали спортчилар тайёрлаш каби эзгу ниятлардан иборат.

Республикамиз ёшларини босқичма-босқич синовдан ўтказувчи мусобақалар тизимида "Умид ниҳоллари"нинг ўзига яраша ўрни бор.

Республикамизда ўтказилаётган бундай нуфузли мусобақалар Ватанимизнинг шон-шуҳратини оламга ёя оладиган ёш спорт усталарининг етишиб чиқишига, соғлом турмуш тарзининг яратилишига ҳисса қўшади.

**1-олиб борувчи:** Ташаккур. Сиз орқали ёшларимиз, қатнашчиларимиз спорт бўйича ҳам анча маълумотга эга бўлдилар. Ҳозир даврага "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари совриндорларини таклиф қилсак, улар ўзларининг кичик спорт ўйинларини намойиш этадилар.

*Спортчиларнинг чиқиши*

**2-олиб борувчи:** Раҳмат, спортчилар, ижодингизга улкан зафарлар тилаймиз. "Баркамол авлод йили" сизларга қутлуг бўлсин, спорт соҳасида бундан-да юксак марраларни забт этишингизга тилакдошимиз.

Барқ уриб ўсмоқда авлод шоду хуррам, баркамол,  
Ёш кўнгиллардан олиб нур, кўҳна олам баркамол.

Жўровоздир ҳам набира, ҳам бобонинг диллари,  
Авж этарлар: "Яйрашайлик, бўлди ўлкам баркамол!"

Қуш бўлиб завқ этса парвоз, бирга бошинг юксалар,  
Бош кўтармас қайта дардинг, қўйса малҳам баркамол.

Юз аср ер титратиб вулқон камолга етмагай,  
Бир нафас кулбангни обод айлаган шам баркамол.

Зўр деманг уммонни, шўр сув лаб ёрар ё бош ёрар,  
Жим сизиб, чанқоқ босарки, Обизамзам баркамол.

Тотли, гўзал мева унгай меҳру шафқат богида,  
Биз севиб боқсак, азизлар, бошқалар ҳам баркамол.

Ҳоҳ жилולי, ҳоҳ жиловли - ҳамма гап кўнгилдадир,  
Ҳуснидан айб изламангиз, бўлса кам-кам баркамол.

**1-олиб борувчи:** Бугунги кечамизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, касб-ҳунар коллежи талабаси

\_\_\_\_\_ қатнашмоқда. Ҳозир талабамиз сизларга ўз ижодларидан намуналар айтиб беради.

*Ўз шеъри ёки асаридан парча ўқийди*

**1-олиб борувчи:** Мана, азизлар! Бугунги кечамиз ҳам ниҳоясига етди.

**2-олиб борувчи:** Энди ҳаммангизни вилоят (туман, шаҳар) \_\_\_\_\_ қошида ташкил этилган "Ёш дурадгорлар" (ёш мусавирлар, ёш ҳунармандлар) тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган кўргазмага таклиф этамиз. Марҳамат.

АКМ, АРМ ва кутубхоналарда "Баркамол авлод йили"га бағишлаб ўтказиладиган **"Баркамол авлодни шакллантириш – маънавий юксалиш омили"** мавзуидаги семинарнинг намунавий **ТАКЛИФНОМА** ва **ДАСТУРИ**

*Биз истеъдодли, фидойи болаларимизга  
билим ва касб чўққиларини забт этиши  
учун қанот беришимиз керак.*

*И. А. Каримов*

### Таклифнома

Ҳурматли \_\_\_\_\_

Сизни 2010 йил \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ да ахборот-кутубхона маркази (ахборот-ресурс маркази, кутубхона)да ўтказиладиган "Баркамол авлодни шакллантириш - маънавий юксалиш омили" мавзуидаги семинарга таклиф этамиз.

### Дастур:

1. АКМ (АРМ) раҳбарининг кириш сўзи.
2. "Китоб – ўқувчининг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш омили".

*Халқ таълими бошқармаси (бўлими) бошлиғи (ўринбосари)*

3. "Маънавият. Ёшлар. Интернет".

*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси (бўлими) бошлиғи (ўринбосари)*

4. "Ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтиришда педагоглар ҳамда замонавий ахборот технологияларининг ўрни".

*Касб-ҳунар коллежи (мактаб) директори (ўринбосари)*

5. "Замонавий ахборот майдони ва баркамол авлод тарбияси".  
*"Камолот" ЁИХ (вилоят, шаҳар, туман) бўлими бошлиғи (ўринбосари)*
6. "Кишининг шахс сифатида шаклланиши ва камол топишида китоб, кутубхоналарнинг аҳамияти".  
*АКМ (АРМ) бўлим мудури*
7. Адабиётлар (тақдимоти) кўргазмаси ва унга обзор.

### **"Илм қудрати – бунёдкорликда" мавзуида билимдонлар беллашуви**

Беллашувни ўтказишдан мақсад ёшларнинг кутубхоначилик соҳасига қизиқишларини ошириш, уларни янада ахборот-кутубхона муассасаларига жалб қилиш, китоб ўқиш маданиятини шакллантиришдан иборат. Беллашувда мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юрглари талабалари қатнашишлари мумкин.

Ушбу беллашувда бошловчи, 6 кишидан иборат 2 та жамоа иштирок этади. 5 кишилик ҳакамлар ҳайъати жавобларни баҳолайдилар. Тўғри топилган жавобларга 10 балл қўйилади.

Жавобни топиш учун 1 дақиқа вақт берилади.

Ўйин ўтказилаётган ерда стол жойлаштирилиб, барча саволлар рақамланган конвертга жойлаштирилади. Жамоалар ихтиёрий рақамдаги саволни тортиб, жавоб беришлари мумкин. Агарда жамоалардан бири саволга жавоб беролмаса, навбат кейинги жамоага ўтади. Қайси жамоа ўйинни биринчи бўлиб бошлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Агар жамоалар тенг балл тўпласа, қўшимча савол берилади.

Ғолиб жамоани совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

### **Беллашув саволлари**

1. Ресурс сўзи қандай маънони билдиради?

*(Ресурслар французча - ressource - ёрдамчи восита деган маънони билдиради).*

2. Дунёда биринчи бўлиб китоб нашр қилишни ким ва қачон кашф қилган?

*(1445 йилда Иоганн Гутенберг).*

3. Туркистонда босма усул билан китоб чиқариш қачон бошланган?

*(1871 йил).*

4. "Китобсиз уй - бу қалбсиз танадир". Цитатанинг муаллифи ким?

*(Цицерон).*

5. Қадимги кутубхоналарнинг энг машҳури қайси бўлган?

*(Александрия (Искандария) кутубхонаси).*

6. Республикамизда кутубхоначилик соҳасига оид қандай журнал чоп этилади?

*(Кутубхона.uz).*

7. Ўзбекистон давлат библиографияси билан шуғулланадиган ташкилотнинг номини айтинг?

*(Ўзбекистон Миллий китоб палатаси).*

8. Ўрта Осиё тарихи, этнографияси, иқтисоди, ботаникаси, археологияси, геологияси, халқининг турмуши ва маданиятига оид ноёб библиографик асарнинг номини айтинг?

*(Ўрта Осиё ҳақидаги алоҳида китоблар, газета ва журнал қирқимларидан тузилган жами 594 жилддан иборат библиографик асарнинг номи "Туркистон" тўпламидир).*

9. Дунёдаги энг йирик кутубхонани айтинг?

*(АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган Конгресс кутубхонаси. 1800 йилда ташкил топган. 90 млн.дан зиёд фонди бор).*

10. Жаҳондаги йирик кутубхоналарни санаб беринг?

*(АҚШнинг Вашингтондаги Конгресс кутубхонаси, Британия музейи кутубхонаси, Россия Давлат кутубхонаси, Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонаси).*

11. Ўзбекистондаги йирик тарихий ахборот-кутубхона муассасаларини кўрсатинг?

*(Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази, Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят ахборот-кутубхона маркази, Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази, Тошкент вилоят "Турон" ахборот-кутубхона маркази, Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази).*

12. Бутун дунёда қўлланадиган, 6 та нуқта комбинациясидан фойданилиб ёзиладиган ёзув шрифтининг ихтирочиси исмини топинг?  
*(Луи Брайл).*

13. Юнонистонда биринчи кутубхонани ким ва қачон ташкил этган?  
*(Милоддан аввалги IV асрда Аристотель).*

14. Китобдан умумий фойдаланишнинг мақсади, тамойили, мазмуни, тизими ва шакллари ўрганувчи фан тармоғини айтинг?  
*(Кутубхонашунослик)*

15. "Игна" билан ёзилган роман номини ва унинг муаллифини айтинг.  
*(Вали Ғофуровнинг "Вафодор" романи).*

### **Китоб (янги журнал, газета) тақдмоти**

Ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарда "2010 йил – Баркамол авлод йили" муносабати билан нашрдан чиққан (янги журнал, газета) китоб (бадий, мемуар ва ҳоказо асарлар) тақдимотини ўтказиш мумкин.

Тақдимот китобхонларни янги чиққан нашрлар билан таништиради, унинг афзалликларини намоён этиши. Тақдимотда нашриёт ходимлари, муаллиф, рассом ва шу нашрга дахлдор бўлган бошқа шахслар қатнашадилар. Тақдимотда асар муаллифининг дастхати туширилган нашрнинг сотуви ҳамда янги газета ёки журналга обунани ташкил этиш мумкин.

### **Журналлар бўйича ўтказиладиган конференциялар**

Кутубхоналарда ёшлар ҳаётига оид ("Ёш куч", "Ёшлик", "Илм сарчашмалари", "Соғлом авлод учун", "Мактаб ва ҳаёт", "Талабалар дунёси" ва бошқа) журналлар бўйича конференцияларни ташкил этиш мумкин. Конференцияда китобхонлар бир йилда мазкур журналда чоп этилган материалларни муҳокама қилиб, танқидий

ва ижобий баҳо берадилар, журналнинг хусусияти, тузилиши, йўналиши ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

Конференцияга журнал ходимлари таклиф этилади. Улар журналнинг мазмуни, тайёрлаш жараёни ва бошқа жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтадилар.

Журнал ходимлари китобхонларни ушбу йил муносабати билан қандай материалларни чоп этганлари ва келгуси режалари ҳақида хабардор этадилар.

Тадбирда энг яхши журналхонлар ҳам белгиланиши мумкин.

### **"Баркамол авлод — келажагимиз" мавзuida китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган кўргазма ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

#### **1. Ёшлар баркамоллиги йўлида**

*Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири — бу маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир.*

*И. А. Каримов*

Ушбу бўлимга "Баркамол авлод йили"нинг Давлат дастури, Президент асарлари, Қарор ва Фармонлари, матбуотда эълон қилинган маъруза ва нутқлари ҳамда шу йилга бағишланган расмий ҳужжатлар жойлаштирилади.

#### **2. Баркамол авлод буюк ишларга қодир**

*Барчамизга аён бўлиши керак: мамлакатимизнинг келажаги, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай жой олиши бугун ёшларга бераётган тарбиямиз, кўрсатаётган ғамхўрлигимизга боғлиқ.*

*И. А. Каримов*

Бу бўлимга ёшларнинг турли соҳаларда эришяётган ютуқлари, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар, имтиёзлар, шунингдек, баркамол авлоднинг ҳуқуқ, бурч ва вазифаларини акс эттирган адабиётлар намойиш қилинади.

### **3. Умидли ёшлар - келажак таянчи**

*Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.*

*И. А. Каримов*

Мазкур бўлимга ёшлар маънавияти, тарбияси, таълим олишлари акс этган асарлар, газета ва журналларда эълон қилинган материаллар жойлаштирилади.

### **4. Кутубхона ва ёшлар**

*Кутубхоналар халқимизнинг маънавий камолоти учун хизмат қилаётган миллий маънавиятимизнинг бир қисмидир.*

*И. А. Каримов*

Бу бўлимда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг тарихи, илғор иш тажрибалари, ёшларга хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишлари ҳақидаги маълумотлар, расмлар, "Баркамол авлод йили" муносабати билан ўтказяётган тадбирлари ҳақидаги материаллар жойлаштирилади.

## **АКМ, АРМ ва кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми**

### **Давра суҳбати**

1. "Баркамол авлод тарбияси ва ҳуқуқий маданияти",
2. "Баркамоллик масъулияти",
3. "Баркамол авлоднинг оидин йўли" мавзуларида.

"Сиз Ватан фарзандларисиз", "Баркамоллик – пойдевор, баркамоллик – тараққиётга қанот" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори, китоб тақдимотлари ўтказиш мумкин.

### **Учрашув кечаси**

1. "Баркамол бўлишда меҳнатнинг роли",
2. "Ёшлар учун улкан имконият",
3. "Ватан келажаги – ёшлар қўлида" мавзуларида.

"Ёшлар баркамоллиги йўлида", "Ёшлар – юрт келажаги", "Авлодлар бахти" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори, китоб тақдимотлари ўтказиш мумкин.

### **Савол-жавоб кечаси**

1. "Билимли ёшлар эртағимиз эгалари",
2. "Билиму тарбия сарвари – баркамоллик",
3. "Баркамол авлод кўп ишга қодир" мавзуларида.

"Ёшлар ва миллий қадриятлар", "Маънавиятни юксалтириш йўлида", "Баркамол авлод – соғлом келажак" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори, китоб тақдимотлари ўтказиш мумкин.

### **Китобхонлар конференцияси**

1. "Бугуннинг ёшлари",
2. "Баркамол авлод - Ватан таянчи",
3. "Маънавият – баркамол авлод таянчи" мавзуларида.

"Ёшлар учун ҳаёт сабоқлари", "Баркамол авлодни тарбиялаш йўлида", "Фидоий ёшлар" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори, китоб тақдимотлари ўтказиш мумкин.

## Адабиётлар

Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир: Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //Халқ сўзи. - 2009. - 6 дек.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги Қарори //Халқ сўзи. - 2010. - 28 янв.

"Баркамол авлод йили" давлат дастури. - Т.: Ўзбекистон, 2010. - 80 б.

Каримов И. "Камолот" ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - 48 б.

Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т. 13. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 448 б.

\*\*\*

Воронцов В. Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари / Ш. Абдураззоқова таржимаси. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. - 464 б.

Донолар бисотидан / Тузувчи ва таржимон Ш. Шомуҳамедова; Муҳаррир Миртемир. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. - 312 б.

Донолар хазинасидан / Тўплаб, қайта ишлаб, нашрга тайёрловчи З. Эгамбердиев. - Т.: Ўқитувчи, 1978. - 36 б.

Соғлом авлод - бизнинг келажакимиз: тўплам / Таҳрир ҳайъати: Мурод Муҳаммад Дўст, О. Мусурмонова, Т. Рисқиев ва бошқ.. - Т.: Абу Али ибн Сино ном. тиббиёт нашриёти, 2000. - 272 б.

Фарзанд - азиз, она - мўғтабар. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - 204 б.

Ўқувчи маънавиятини шакллантириш: Умумтаълим мактаблари директорлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, синф раҳбарлари ва тарбиячилар учун қўлланма / Тузувчилар: Ж. Фозилов, Р. Султонов, Ҳ. Саидов. - Т.: Шарқ, 2000. - 297 б.

Ҳақимова Д. Давр ва ёшлар. - Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. - 20 б.

\*\*\*

Абдужабборов А. Тарих бағридаги мўъжизалар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2010. - 5 февр.

- Абдурахмонов А. Энг улуг ва энг муқаддас мақсад //Хабар. - 2009. - 11 дек.
- Баркамол авлод - келажак пойдевори! //Yosh kuch. - 2009. - № 11-12. - Б. 2-3.
- Бахронов А. Баркамол авлод ҳеч кимдан кам бўлмайди //Маърифат. - 2009. - 12 дек.
- Бобоев У. Баркамол авлод оилада улғаяди //Хуқуқ. - 2010. - 7 янв.
- Ботиров А. Келажакка эътибор //Ўзбекистон овози. - 2009. - 10 дек.
- Довуров Д. Соғлом ёшлар маҳаллада камол топади //Маҳалла. - 2010. - 7 янв.
- Ёшлар қўлаб-қувватланмоқда //Моҳият. - 2010. - 5 февр.
- Иброҳимов А. Комиллик йўлларида //Ўзбекистон овози. - 2010. - 26 янв.
- Иброҳимова Н. Бугуннинг ёшлари //Маърифат. - 2010. - 13 янв.
- Исмоилов Б. Янги йил остонасидаги режалар //Yosh kuch. - 2009. - № 11-12. - Б. 22-23.
- Каримов Д. Зукко тадбиркор - юртга мададкор //Маърифат. - 2009. - 19 дек.
- Каримов Ш. Ёшлар юрт равнақи йўлида бор куч ва салоҳиятларини сафарбар этишлари лозим //Миллий тикланиш. - 2010. - 20 янв.
- Каримова Т. Ёшлар келажакимиз //Тошкент оқшоми. - 2010. - 8 янв.
- Маҳмудов Н. Орзулари мужассам йил: Мақсад - ҳеч кимдан кам бўлмайди авлодни тарбиялаш //Биржа. - 2010. - 7 янв.
- Мелибоев А. Маънавият - комиллик йўли //Хуқуқ ва бурч. - 2008. - № 5. - Б. 2-3.
- Мирзакомилова Ф. Ёшлар ҳаётида тарбия ва технология //Жамият. - 2010. - 29 янв.
- Мирзо Мирпўлат. Эртанги кун эгалари //Хуррият. - 2010. - 10 февр.
- Муҳайминов А. Барчаси ёшлар учун //Маърифат. - 2010. - 9 янв.
- Намозов Ш. Умидли ёшлар келажак таянчи //Маърифат. - 2010. - 6 янв.
- Ниёзова Н. Эртанги кун ворислари //Хуқуқ оламида. - 2010. - 28 янв.
- Нуриддинов Ҳ. Ёшлик журъати //Науот. - 2010. - 7 янв.
- Ортиқов Б., Солиев М. Фарзандлари баркамол юрт //Жамият. - 2010. - 29 янв.
- Охунова М. Истиқлолнинг истеъдодли ёшлари //Халқ сўзи. - 2010. - 9 янв.
- Очилов Н. Баркамол авлод тарбияси //Қадрият. - 2010. - 16 янв.
- Панжиев Х. Баркамол авлод - келажак пойдевори //Тошкент оқшоми. - 2010. - 21 янв.

- Ражабов Н. Бола бошидан...[Президент И. Каримовнинг "Баркамол авлод орзуси" асари ҳақида] //Мулоқот. - 1999. - № 6. - Б. 30-34.
- Рихсиева С. Оилага қувонч, юртга таянч //Маърифат. - 2010. - 9 янв.
- Рўзиёв А. Дунёга бўйлаётган маскан //Хуррият. - 2010. - 3 февр.
- Рўзиёв Р., Норматов К. Юксак маънавиятни ривожлантириш омиллари //O'zbekistonda ijtimoiy fanlar. - 2009. - № 1. - Б. 12.
- Рўзиқулов М. Баркамол авлод - буюк ишларга қодир //Адолат. - 2010. - 5 февр.
- Саййид Сирожиддин. "Камол эт, касбким..." //Хуррият. - 2010. - 27 янв.
- Сайидов А. Баркамол авлод орзуси //Миллий тикланиш. - 2010. - 6 янв.
- Сафаров М. Улуг мақсад йўлидаги одамлар //Маърифат. - 2010. - 20 янв.
- Сирожиддинов Ш. Таълим ва тарбия уйғунлиги - маънавий тарбиянинг муҳим омили //Фалсафа ва ҳуқуқ. - 2008. - № 3. - Б. 2-4.
- Тангриберганова Ф. Илм қудрати бунёдкорликда //Маърифат. - 2010. - 6 янв.
- Темиров Н. Эртанги кун масъулияти //Моҳият. - 2010. - 29 янв.
- Тошбоева С. Комилликка интилиб //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2010. - 29 янв.
- Тошев Т. Келажак - ёшлар қўлида //Биржа. - 2009. - 29 дек.
- Тўрақулов О. Баркамол авлод - жамият тараққиётининг етакчи кучи //Тошкент оқшоми. - 2009. - 17 янв.
- Тўрақулов О. Бугуннинг бахтиёр ёшлари //Тошкент ҳақиқати. - 2009. - 19 дек.
- Умаров Ж. Буюк истиқболнинг етук фарзандлари //Халқ сўзи. - 2010. - 1 янв.
- Усмонова З. Таълимга устувор аҳамият берилмоқда //Маърифат. - 2009. - 19 дек.
- Усмонова Н. Таълим-тарбиянинг муҳим мезони //XXI аср. - 2010. - 7 янв.
- Фазлиддин Беҳзод. Ифтихор //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2010. - 29 янв.
- Ходжаев Б. Баркамоллик сари янги қадам //Ҳуқуқ. - 2010. - 28 янв.
- Худойберганова Ш. Фарзандлар соғлиги - юрт бойлиги //Тошкент оқшоми. - 2009. - 10 янв.
- Чоршанбиев Н. Буюк мақсадлар сари //Ўзбекистон овози. - 2010. - 14 янв.

Шермухамедов С. Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият - энгилмас куч" асари миллий тараққиёт дастури //Фалсафа ва ҳуқуқ. - 2009. - Махсус сон. - Б. 2-4.

Эзгу ниятларга ҳамоҳанг //Моҳият. - 2010. - 15 янв.

Эшмуродов А. Баркамол авлод - Ватан ва миллат таянчи //Халқ сўзи. - 2009. - 17 дек.

Яхшиликowa М. Баркамол авлод - келажак пойдевори //Туркистон. - 2010. - 23 янв.

Қаршиев Ў. Баркамол авлод тарбияси - ҳаётимиз мазмуни //Миллий тикланиш. - 2010. - 27 янв.

Кўшоқов Ш. Юрт таянчи, эл гурури //Ҳуқуқ. - 2010. - 21 янв.

Ғозиев Н. Фарзандлар камоли - юрт истиқболи //Ҳуқуқ. - 2010. - 7 янв.

## Мундарижа

Сўзбоши.....3

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори**

"Баркамол авлод йили" давлат Дастури тўғрисида.....5

Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.....8

Президент Ислам Каримовнинг "Баркамол авлод" ҳақидаги фикрларидан намуналар.....13

Донолар хазинасидан.....14

### **"Баркамол авлод йили"да ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар методикаси**

"Порлоқ келажак ворислари" мавзуида тематик-бадий кечанинг намунавий сценарийси.....15

"Илм қудрати – бунёдкорликда" мавзуида

билимдонлар беллашуви.....21

"Баркамол авлод – келажакимиз" мавзуида китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар.....24

АКМ, АРМ ва кутубхоналарда ўтказиш мумкин

бўлган тадбирлар туркуми.....26

Адабиётлар.....27

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

"2010 йил – Баркамол авлод йили" муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Муҳаррир *Ж. Қўнишев*  
Техник муҳаррир *Жўраев А*  
Саҳифаловчи *Жўрабоев Ш*

Босишга 2010 йил 12 майда рухсат этилди.  
Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$  Ҳажми 2,0 б.т.  
Адади 300 нусха. Буюртма №249

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси 33.